

Мусулмон дунёсидан Шавкат Мирзиёев номига қўтловлар келмоқда



15:51 / 17.04.2021 1953

Бутун мусулмон олами учун муқаддас бўлган Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари, етакчи халқаро ташкилотлар раҳбарларидан, таниқли дин арбобларидан самимий қўтловлар келмоқда.

Мактубларда хорижий ҳамкорларимиз томонидан Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқига чуқур ҳурмат-эҳтиром билдирилиб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Рухоний**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қасим-Жомарт Тоқаев**

Бирлашган Араб Республикаси Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Тунис Республикаси Президенти **Қаис Саид**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**

Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос**

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ал Саид**

Қувайт Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Мусулмон диёридан Шавкат Мирзиёев номига қутловлар келмоқда

Ислом ҳамкорлиги ташкилотининг бош котиби **Юсуф ал Усаймин**

Ислом тараққиёт банки гуруҳи президенти **Бандар Ҳажар**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳоди Сулаймонпур**

Миср Бош имоми, Ал-Азҳар университети раҳбари **Шайх Аҳмад Муҳаммад ат-Таййиб.**

Қутловлар келишда давом этмоқда.